



Ўзбекистон ҳожилари Президентимиз ва халқимизга Қурбон ҳайити табригини йўлладилар

2024 йил 15 июнь, ҳижрий 1445 йил 9-зулҳижжа, Арафа куни Маккаи мукаррамадаги Арафот водийсида бўлиб турган ҳожиларимиз ибодату дуоларда бўлиб, мухтарам Президентимиз ва халқимизга Қурбон ҳайити муносабати билан ўз табрикларини йўлладилар. Табрикни ҳаж ибодатини ихлос ила адо этаётган ҳожиларимиз номидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ўқиб эшиттирди.

Табрикда юртимиз тарихида илк марта Ўзбекистон ҳожиларига мамлакат Президенти даражасида юксак эътибор кўрсатилгани алоҳида қайд этилиб, жумладан, бундай дейилган:

“Ҳурматли Президент, Сизнинг телефон орқали муборак ҳаж



зиёрати учун яратилган шароитлар ва саломатлигимиз ҳақида сўраганингиз ҳамда ҳар куни ҳолимиздан хабардор бўлиб турганингиз ибодат файзи билан юрган биз ҳожиларни чексиз даражада мамнун этди. Бунинг билан ҳар бир зиёратчи юракдан ҳис қилиб, кўзларида ёш ила Сизнинг ҳаққингизга алоҳида дуолар қилаётганини эътироф этишимиз даркор”.

Шунингдек, ҳожиларимиз гуноҳлар афв этиладиган ва дуолар ижобат бўладиган Арафотда туриб, Аллоҳ таолодан Юртбошимизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр



ва улкан муваффақиятлар тилаб, хайрли ишлари доимо бардавом бўлишини илтижо қилиб сўрашди.

Шу билан бирга, Аллоҳ таолога ихлос билан ибодат қилаётган ҳожиларимиз Арафот водийсида имом домлалар, мударрислар, талабалар, зиёратчилар ва уларнинг яқинлари ўқиган 10 мингдан зиёд Қуръони карим хатми бахшида этилиб, юртимиз, халқимиз ва давлатимиз раҳбари ҳаққига хайрли дуолар қилишди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
матбуот хизмати

Бугуннинг гапи

Қуръони каримдан узоқ ҳаёт...

«Ҳаммангиз Аллоҳнинг “арқонини” (Қуръонини) маҳкам тутинг ва фирқаларга бўлинманг ҳамда ўзаро адоватда бўлган пайтларингизда дилларингизни (туташтириб) ошно қилиб қўйган Аллоҳнинг неъматини ёдда тутинг. Унинг неъматини туфайли биродарларга айландирингиз. Дўзах чоҳи ёқасида турганингизда, сизларни ундан қутқарди. Шояд ҳақ йўлни топгайсизлар, деб Аллоҳ Ўз оятларини сизларга шундай баён қилади» (Оли Имрон сураси, 103-оят).

Қуръони каримни ўқиш, ёд олиш улуғ неъматлардан. Қуръони карим нурдир, шифодир, ҳидоятдир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам сиймосида ва хулқларида намоён бўлган Қуръони каримни саҳобалар ўргандилар ва шу асосда қадр топдилар. Дунё ва охирада азиз бўлишимизга боис ягона манба – Қуръони каримдир. Ундаги амрларга, кўрсатмаларга мувофиқ яшасак, дунёда хор, охирада оташда бўлмаймиз.

Аллоҳ таоло бизга бундай амр қилади: “Намозни баркамол ўқингиз ва закотни берингиз!..” (Бақара сураси, 110-оят).

“...Сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди...” (Бақара сураси, 183-оят).

“...Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир...” (Оли Имрон сураси, 97-оят).

“Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик...” (Анкабут сураси, 8-оят).

“Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ёмонликни) гўзалроқ (муомала) билан даф этинг! (Шунда) бирдан сиз билан ўрталарингизда адовати бўлган кимса қайноқ (қалин) дўстдек бўлиб қолур” (Фуссилат сураси, 34-оят).

2-бетда

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ 4–6 июнь. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида Туркиянинг “Diyanet” жамғармаси ҳузуридаги Ислам тадқиқотлари маркази (ИСАМ) билан ҳамкорликда Ҳанафий мазҳаби бўйича IV йиллик халқаро конференция ўтказилди.

✓ 10 июнь. Ўзбекистон делегацияси Саудия Арабистони Ҳаж ва умра ишлари вазири Тавфиқ бин Фавзон ар-Раба тақлифига биноан Макка шаҳрида бўлиб ўтган 48-ҳаж анжуманида иштирок этди.

✓ 11 июнь. Саудия Арабистонининг “Подшоҳ Салмон” номидаги инсонпарварлик ёрдами маркази юртимизга беғараз кўмак сифатида 25 тонна хурмо мевасини ҳадя қилди.

✓ 16 июнь. Юртимиздаги 2075 та жоме масжидда Қурбон ҳайити намози ўқилди.

✓ 20 июнь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги диний таълим муассасаларида 2024–2025 ўқув йили учун қабул жараёнлари бошланди.

✓ 20 июнь. Макка шаҳрида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари иштирокида ҳаж ибодати муваффақиятли амалга оширилгани юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Мусулмоннинг қўрғони

“Аллоҳумма Анта Роббий, лаа илаҳа илла анта ғалайка таваккалту ва анта Роббул ғарийил ғазийм. Машиа`аллоҳу каана ва маа лам йашиа`лам якун. Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳил ғалийил ғазийм. Аъламу анналлоҳа ғала кулли шай`ин қодийр ва анналлоҳа қод аҳато бикулли шай`ин ғилма. Аллоҳумма инний аъзузу бика мин шарри нафсий ва мин шарри кулли даббатин анта ахизун бинасийатиҳа, инна Роббий ғала сиротим мустақийм”.

Маъноси: “Аллоҳим, Сен парвардигоримсан. Сендан бошқа илоҳ йўқ. Сенга таваккал қилдим. Сен улуғ арш Раббидирсан. Сен хоҳлаган нарсга бўлади, хоҳламаганинг бўлмайди. Улуғ ва олий Аллоҳдан бошқада ўзгартириш ва қувват йўқ. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсга қодир эканини биламан. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани илми билан ихота қилгандир. Эй Раббим, нафсимнинг ёмонлигидан ва пешонасидан тутаганинг ҳар бир ҳайвоннинг ёмонлигидан Сенинг номинг ила паноҳ тилайман. Албатта, эй Раббим, Сенинг йўлинг тўғри йўлдир”.

Илк битирувчиларга оқ йўл тиланди

Термиз шаҳридаги Имом Термизий ўрта махсус ислом таълим муассасида илк битирувчиларнинг хатмона тадбири бўлиб ўтди. 2020-2021 ўқув йилида ушбу таълим муассасасига 13 нафар талаба қабул қилинган бўлиб, қабул йилдан-йил кўпайиб, ҳозир жами талабалар 77 нафарга етди.

Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон домла Ишматбеков, диний идора таълим ва илмий-тадқиқот бўлими муdiri Салоҳиддин Шерхонов, таълим ва илмий-тадқиқот бўлими муdiri ўринбосари Акбар Дўсмадов, Сурхондарё вилояти бош имом-хатиби Алиакбар домла Сайфуддинов, Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази бўлими бошлиғи Шукурлло домла Умаров, таълим муассасасининг ўқитувчи-ҳодим ва талабалари ҳамда битирувчи курс талабаларининг



ота-оналари иштирок этишди. Қуръони карим тиловати билан бошланган маросимда битирувчиларнинг юртимизга, динимизга муносиб хизмат қилишларига ният билдирилди. Тадбир давомида масъуллар

томонидан мадраса битирувчиларининг юртимиз масжидларига имом-хатиб, имом ноиби ҳамда диний таълим муассасаларига мударрислик вазифаларига тақсирот қилиш масалалари

ҳам муҳокама этилиб, ишлашлари учун барча шароитлар яратилгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати

Тафаккур

Чинакам роҳат – жаннатда

“Дарҳақиқат, Биз инсонни меҳнат-машаққат тортиши учун яратдик” (Балад сураси, 4-оят).

Бу синовли дунёда инсон роҳатдан кўра меҳнат ва машаққатга кўпроқ дуч келади. Ўйлаб кўринг, дунёнинг барча лаззатларига эришсангиз ҳам, барибир роҳатлана олмайсиз. Чунки ўзингизни тўлиқ бахтли ҳис этишингиз учун ҳамиша нимадир етишмайди. Масалан, бирор яқинингиз, айтайлик, фарзандингиз сафарга кетса, кўнглингиз хотиржам бўладими? Албатта, йўқ. У соғ-омон қайтиб келса, эмин-эркин нафас оламан, деб ўйлайсиз. Кунлар ўтиб ўғлингиз бағрингизда бўлади. Аммо бу пайтда бошқа бир ташвиш кўнглингизга ғашлик

бериб турган бўлади. Бу дунёда яшар эканмиз, безовталиқ, ҳавотир, фитна, кутилмаган ҳодиса, мусибат, фалокат, касаллик, ғам, ҳафалиқ, ноумидлик каби кўнгилсизликлар қаршингиздан чиқаверади. Жаннатда эса буларга ҳеч ҳам дуч келмайсиз, балки абадий роҳат қўйнида бўласиз.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбалдан “Роҳатга қачон эришамиз?” деб сўрашганида, у зот: “Қачон қадамингизни жаннатга қўйсанг, ўшанда роҳатга эришасан”, деб айтганди.

Ривоят қилишларича, бир аёл ўғлини кечанинг охиригидан учдан бир қисмида уйғотар эди. Биргал ўғли: “Онажон, бироз роҳат

қилиб ухлайин”, дебди. Шунда онаси: “Болам, мен ҳам сенинг роҳатланишинг учун уйғотмоқдаман-да. Қачон жаннатга кирсанг, ўша ерда чинакам роҳат билан юзма-юз бўласан”, деган экан.

Дунё ҳавасига қул бўлган киши бемордир. Билингки, ўткинчи нарсаларга муҳаббат қўйиб, улардан роҳат излаган киши улкан хатога йўл қўйибди. Ҳалол молнинг ҳисоби, ҳаром йўл билан топилганининг эса азоби бор. Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг сўзларига қулоқ тутинг: “Олам асбобидан ўт, гар истасанг кўнглунгни жамъ – Ким, паришонлиғдин ўзга етмас ул асбобдин”. Яъни, кўнглингиз хотиржам, сокин бўлишини

истасанг, бу дунёнинг беҳуда ҳою ҳавасидан кеч. Чунки у ғам-ташвиш, паришонлиқдан бўлак нарсалар келтирмайди.

Ҳаёт охир-оқибат оқиб таом бўладиган лойқа сув бўлиб, унда бирор нарсалар абадий эмас. Дунёда кенглик, тўкинчилик, бойлик билан бирга азоб, қийинчилик ва камбағаллик ҳам бордир. Шундай экан, ёлғон ҳою ҳаваслар изидан қувиб, умримизни беҳуда ўтказиб юбориб, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам ноумидлик қомига тушиб қолишдан сақланайлик.

Орифжон НАЙИМОВ,
Навоий вилояти “Армижон” жоме масжиди имом-хатиби

Бугуннинг гапи

1-бетда

“...Аллоҳнинг оятлари инкор этилаётгани ва мазаҳ қилинаётганини эшитсангиз, то бошқа гапга ўтмагунларича, улар билан бирга ўтирмангиз!..” (Нисо сураси, 140-оят).

“Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузуқчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтаради. Эслатма олурсиз, деб (У) сизларга (доимо) насиҳат қилур” (Наҳл сураси, 90-оят), дея амр этади.

Абу Абдуллоҳ Сулабий аятади: “Саҳобалардан бири

бизга Қуръони каримни ўргатди. Бизга: «Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ўн оятни олиб, улардаги билим ва амалларни ўрганмай туриб, бошқа оятга ўтмас эдик. Расулulloҳ алайҳиссалом бизга илмни ҳам, амални ҳам ўргатганлар» (Имом Ибн Ҳанбал ривояти).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Қалбида Қуръондан ҳеч нарсалар бўлмаган инсон ҳароба уй қабидир”** (Имом Термизий ривояти).

Мавлоно Румий ҳазратлари дейди: “Қуръони каримни тиловат қилиб, ўз ҳаётингизга татбиқ эта олсанг, ўзингизни пайғамбарларни кўргандек ҳисобласанг бўлади.

Қуръонни тиловат қилганингиз ҳолда унга амал қилмасанг, Қуръон ахлоқи билан яшай олмасанг, пайғамбарлар ва



валийларни кўришнинг фойдаси йўқ...

Нигора МИРЗАЕВА тайёрлади.

Шом намозида охирги қаъдага ўтирмаслик

Ким охирги қаъдада савлатнинг бир қисмини ёки ҳаммасини икки марта ўқиса, унга саждаи саҳв вожиб бўлмайди («Мауроқил фалоҳ», 276-б.).

Ким ташаххуддан сўнг дуони айта бошлаганда савлатни айтмагани эсига тушса, дуони тўхтатиб, савлатни охиригача айтиши, кейин дуони айтиши яхшидир. Бу ҳолда унга саждаи саҳв вожиб бўлмайди («Раддул мухтор», 1-ж., 445-б.).

Ким биринчи қаъдада ташаххудни ўқигач ухлаб, бир оздан сўнг уйғонса, саждаи саҳв қилиши вожиб бўлади («Раддул мухтор», 1-ж., 498-б.).

Ким ташаххудни ўқишни унутиб савлат ва дуоларни ўқиб салом бераётганида ташаххуд ўқимага-ни ёдига тушса, ташаххудни ўқийди ва саждаи саҳв қилади, сўнг ташаххудни, савлат ва дуони ўқиб салом беради («Фатовойи Оламгирия», 1-ж., 127-б.).

Ким адашиб икки ё тўрт ракатли намозларнинг охирги қаъдасига ўтирмай учинчи ёки бешинчи ракатга туриб учинчи ёки бешинчи ракатнинг саждасини қилса, яна бир ракат ўқиб, намозини тўрт ёки олти ракат қилиши керак. Бу ҳолда саҳиҳ ривоятга кўра, у намозлар охирида

саждаи саҳв қилиши лозим бўлмайди. У намозлар нафл бўлади, фарз-ни эса қайтадан ўқийди.

Агар мазкур ҳолатда бешинчи ракатга ўтгунча туриб, сажда қилмасдан, охирги қаъдага қайтса, фарзи дуруст бўлади ва саждаи саҳв қилиши вожиб бўлади («Ад-дуррул мухтор» маъа «Раддул мухтор», 1-ж., 501-б.).

Ўзига саждаи саҳв вожиб бўлгани савлатни ўқигач, ёдига тушган киши дарҳол саждаи саҳв қилади («Фатовойи Оламгирия», 1-ж., 66-б.).

Шом намозида охирги қаъдада ўтирмай тўртинчи ракатга турган киши сажда қилмасидан адашгани ёдига тушса, дарҳол ўтиради ва ташаххуд ўқигач саждаи саҳв қилади, намози дуруст бўлади. Агар у киши тўртинчи ракатнинг саждасини қилса, намози нафлга айланади. Шомнинг фарзини қайта ўқиши мумкин бўлади («Раддул мухтор», 1-ж., 502-б.).

Витр намозида ҳам уч ракатли шом намози каби аввалги қаъда вожибдир. Шу сабабли агар витр намозида аввалги қаъда тарк этилса, саждаи саҳв вожиб бўлади («Раддул мухтор», 1-ж., 623-б.).

Имом намозни тугатиб, салом берганда ҳам муқтадий ташаххудни охирига етказмаган бўлса, уни тўлиқ ўқиб, салом бериши лозим. Бу ҳолатда савлат ва дуо ўқилмаса, зарари йўқ. Муқтадий биринчи қаъдада ташаххудни тўлиқ ўқиб бўлмасидан имом учинчи ракатга туриб кетса, муқтадий уни охиригача ўқиб, сўнг туриши лозим («Раддул мухтор», 1-ж., 623-б.).

Адашиб биринчи ёки учинчи ракатда ўтириб қолган имомга муқтадий лўқма берса ёки ўзи адашганини билса, қиёмга тураётганида такбир айтиши лозим («Кабирий», 313-б.).

ТАНБЕҲ

Интиқол такбирлари («Аллоҳу акбар»ни айтиш)ни бир рукндан иккинчи рукнга ўтишни бошлаши билан бошлаб, иккинчи рукнга етгач, тўхтатиш лозим. Интиқол такбирларини чўзиш макруҳдир («Кабирий», 313-б.).



Ёрқинжон ФОЗИЛОВнинг

«Саждаи саҳв масалалари» китобидан



Ислом сабоқлари

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: «Пайманба кунуда рўза тутаман» деб ният қилган эдим. Лекин рўза тутий эсимдан чиқибди. Энди шу рўзанинг қазоси тугиладими?

ЖАВОБ: Фалон кун рўза тутаман деб ният қилиш билан, агар тил билан айтилмаган бўлса, ўша кун рўза тутий вожиб бўлмайди. Агар фалон кун рўза тутаман деб тил билан айтган бўлсангиз, ана шу кун рўза тутийнинг лозим бўлади. («Бадоеъус саноеъ»).

САВОЛ: Агар мен бироринсонга 100 доллар қарз берсам, мен қарз берган вақтда юз доллар баҳоси сўм билан бир миллион сўм бўлсаю, қарзни қайтариб олганимда унинг баҳоси бир миллион 50 минг бўлиб қолса, 50 минг сўм рибо бўлмайдими?

ЖАВОБ: Йўқ. Сиз юз доллар қарз бериб, юз доллар қайтариб олсангиз рибо бўлмайди. Унинг сўмга нисбатан қийматининг тушиши ёки ошиши эътиборга олинмайди. Шариатимизда қарзга нима ва қанча миқдорда олинган бўлса, унинг ўхшаши ва миқдори қайтарилади. «Бадоеъус саноеъ» китобида бундай дейилган: «Қарз олиниши билан қарз олганнинг мулкига айланади ва ўша вақтнинг ўзида қарзнинг ўхшаши қарздорнинг зиммасига вожиб бўлади».

Қарз борасида билиб қўйишимиз лозим бўлган масалалардан яна бири шуки, сўмда қарз бериб, уни ўша кунги доллар қиймати билан баҳолаб қўйиб, уни қайтиб олиш вақтида доллар қийматига тенг сўмда қайтиб олиш жоиз эмас. Масалан, бир киши қарздорга 100 долларнинг сўмга нисбатан қиймати бир миллион бўлган вақтда бир миллион сўм қарз бериб, бир ойдан кейин 100 доллар қиймати бир миллион 50 минг сўм бўлганда, бир миллион 50 минг сўм қайтариб олиши мумкин бўлмайди.

5-бетда

Айбларни яшириш фазилати

Хато қилиб, юқоридан пастга қулашингиз айб эмас. Бу қулашдан даҳшатга тушиб, энди қайта кўтарила олмайман, дейиш айб. Хато қилиш айб эмас, уни тушуниб етгандан кейин тўғриламаслик айб!

Ҳеч бир инсон хато ва камчиликдан холи эмас. Ўзи адашиб қилган гуноҳ ишларни сўзламаслик, ўзгалардан айб ахтармаслик, бировнинг айбига, хатосига ногоҳ кўзи тушиб қолганида, уни ёймаслик динимиз талабларидандир.

Мўминнинг айби, гуноҳини кўриб қолган киши уни яшириши мустаҳабдир. Хусусан, хунук ишлар обрўли, ёмонлиги кузатилмаган кишидан содир бўлса, уни оммага ошкор қилмаслик зарур.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: «Ким мўминнинг айбини яширса, Аллоҳ қиёмат кунини унинг айбини яширади» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Яна бир ҳадисда Набий алайҳис-салом: «Яхшиларингизнинг адашишларидан кўз юминглар», дедилар (Абу Довуд ривояти).

Бошқа бир ҳадисда эса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким мусулмон биродарининг айбини яширса, Аллоҳ унинг айбини қиёмат кунини яширади. Ким мусулмон биродарининг айбини ошкор қилса, Аллоҳ унинг айбини ошкор қилади, ҳатто уни ўз уйида ҳам шарманда қилади», деганлар (Ибн Можа ривояти).

Чунки айбларни ошкор қилиш, бир мўминдан содир бўлган ишни сўзлаш ёмонликни ёйиш ҳисобланади. Уламолар: «Ишларнинг аълоси айбларни яширишдир», дейишган.

Фузайл ибн Иёз айтади: «Мўмин яширади ва насиҳат қилади, фожир эса ошкор қилади ва айблайди».

Бироқ фиску фукур ишларни қилаётган кишини кўрганда, уни қайтариш вожиб саналади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан бирингиз мункари ишни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин, агар унга қодир бўлмаса, тили билан, агар бунга ҳам кучи етмаса, кўнгли билан ўзгартирсин. Бу эса иймоннинг энг заифидир», деганлар (Имом Муслим ривояти).

Ҳеч кимнинг бирор мусулмондан айб қидириши тўғри эмас. Аллоҳ таоло: «Ўзгалардан айб қидирманг» (Хужурот сураси, 12-оят), деб марҳамат қилган.

Хато ёки гуноҳ қилган мўмин Аллоҳга тавба қилиши керак. Ким бўлишидан қатъи назар, айбини бировга очмасин. Чунки Аллоҳ таоло: «Албатта, имон келтирган кишилар ўртасида бузуқликлар ёйилишини истайдиган кимсалар учун дунёда ҳам, охиратда ҳам аламли азоб бордир. Аллоҳ билур, сизлар билмасиз» (Нур сураси, 19-оят), деб марҳамат қилади.

Ислом дини инсонларни фақат яхшиликка тарғиб этади. Бундай йўл динимизнинг нақадар инсонпарварлигига, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оламларга раҳмат қилиб юборилганларига далилдир.



Доктор Ҳассон Шамси Пошонинг

«Метин қоялар» китобидан

Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОҲ

таржимаси

Матбуот, оммавий ахборот воситалари – жамият кўзгусидир. Айтиш жоиз, журналистлар зиммасидаги масъулият ниҳоятда оғир. Бу касб эгаси холислик, тўғри-сўзлик ва ҳақиқатни айтишдан қўрқмаслик, маънавий тарбиячилик фазилатларини ўзида мужассам этиши зарур. Қалам аҳлининг ягона қуроли – сўз ҳисобланади. У қанчалик эзгу мақсадда ишлатилса, жамиятдаги иллатларни муолажа қилиш қудратига эга бўлади.

Бугунги кунда юртимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу имкониятлар журналистларнинг жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда. Жумладан, диний-маърифий йўналишдаги ахборот воситалари ҳам самарали фаолият олиб борапти. Ҳозирги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли “Шамсуддинхон Бобохонов” нашриёт-матбаа ижодий уйининг даврий нашрлари – “Ҳидоят” ва “Мўминлар” журналлари, “Ислом нури” газетаси билан бирга, Диний идора ва унинг ҳудудлардаги вакилликлари, масжидлар ва диний соҳа ходимларининг 62 та веб-сайти, “Facebook”да 186 та саҳифа, “Instagram”да 120 та, “Telegram”да 619 та, “Youtube”да 117 та каналлари мавжуд бўлиб, халқимизнинг исломий билимларини ошириш, одамларни эътиқодий

адашувлардан асраш, исломий одоб-ахлоқни тарғиб қилиш каби мақсадларга хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, журналист касби тўғрилиқ, ҳалоллик устига қурилиши керак. Айниқса, бугунги кунда соҳа вакиллари зиммасида жуда ҳам залворли вазифа турибди. Маълумки, одамлар ҳаётини интернетсиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. У кириб бормаган бирор-бир соҳа йўқ, унинг имкониятлари барчамизга қулайликлар яратмоқда. Шу билан бирга, виртуал олам дея аталмиш бу замонавий воситанинг салбий жиҳатлари ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Кузатсангиз, ижтимоий тармоқларда тарқалаётган ахбороту маълумотларда рости ёлғон аралашиб кетган. Орасидан тўғриси ажратиб олишга қийналасиз. Одамларга эса ишончли манба зарур. Бу мушкулликни ечиш кимнинг гарданида? Албатта, журналистнинг. Аммо бу осон иш эмас. Анча тер тўкиш, вазиятга нисбатан ҳозиржавоблик ва холисона муносабатни талаб этади.

Унутмаслик лозим, сохта обрў олиш учун ёлғон-яшиқ, тухмат, ғийбат гапларни омма олдига кўтариб чиққан инсон дунёда ҳам, охиратда ҳам ҳалокатга учрайди.

Ҳужурот сурасида бундай баён қилинган: **“Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар. Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилмасин. Сизлардан бирортангиз ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрадимиз?”**

Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ тавбани кўплаб қабул қилувчидир, раҳмлидир” (12-оят).

Аллоҳ таоло Ўз каломида бу қилмишнинг нақадар оғир гуноҳ эканини очиқ-ойдин айтмоқда. Демак, ёлғон, бўҳтон, ғийбат каби иллатлардан парҳез қилиш қалам аҳлининг бош шиори бўлиши керак. Шунда у ўз касби-га, халқига, иймонига хиёнат қилмаган бўлади.

Яна бир оғриқли жиҳат. Айрим манбаларда ахлоқсизликка, фаҳшга ундовчи материалларнинг

эълон қилиниши жамият, айниқса, ёшлар маънавиятига оғир зарба бўляпти. Соҳа вакиллари ана шу муаммони чуқур ҳис этишлари, биринчи навбатда, ўзи ва яқинларининг ҳаётига дахлдор масала деб қарашлари зарур. Фаолияти давомида ана шу позицияни мустаҳкам ушласа, жамиятдаги ахлоқий муҳитни асрашга жуда катта хизмат қилган бўлади. Бу маънавий бузғунчиликка қарши дадил сўз айтиш, одамларни одоб-ахлоққа, тўғрилиққа даъват этиш орқали амалга ошади.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида ҳалол меҳнат қилиб келаётган, иймонли, виждонли журналистлар жуда кўплигини таъкидлаш жоиз. Уларнинг хизмати билан турмушдаги кўплаб камчиликлар, у хоҳ ижтимоий, хоҳ иқтисодий ёки ҳуқуқий, хоҳ маънавий муаммолар бўлсин, ислоҳ қилинишига эришиляпти. Маълум бўляптики, журналистлик фаолияти ҳалоллик, одиллик, холислик устига қурилса, бу касб эгасини улкан ажру савобларга сазовор этади. Аллоҳ таоло соҳа ходимларига эзгулик йўлидаги саъй-ҳаракатларида куч-қувват ато этиб, фаолиятларини хайрга тўлдириб, икки дунё саодатига мушарраф этсин!

Тўлқин ШЕРНАЕВ

Мушоҳада

“Эртага... эртага...” қаерга элтади?

“1995 йилдаги расмий ҳисоб-китобларга кўра, оврупалик бир одамнинг кунлик иш унумдорлиги етти соатдан кам бўлмас экан. Аммо мусулмон кишининг иш унумдорлиги бор-йўғи ўттиз дақиқа атрофида эмиш. Мусулмоннинг ҳаёти шундай бўлиши, шундай ўтиши керакми?!”

Бир ўйлаб кўрайлик, бу маълумот 1995 йилга оид. У пайтларда аксарият одамларда уяли алоқа воситаси йўқ эди. Интернет кенг ёйилмаганди. Шу пайтда мусулмонларнинг меҳнат унумдорлиги 24 соат – 1440 дақиқадан бор-йўғи 30 дақиқа бўлган бўлса, бугунги кунни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Ўтаётган умримизга боқиб, зое кетаётган дақиқалар, бус-бутун кунлар, ойлар, йилларга ачинасан киши... Аксар ҳолларда бу ортга қайтариб бўлмас сармоянинг увол кетаётганининг асосий сабаби хайрли ишларни ортга суришдир.

Ҳакимларнинг бир сўзи бор:

“Эртага деган йўлга чиқсанг, у сени “ҳеч қаер” деган манзилга олиб боради”.

Дарҳақиқат, ўтган умр йўлларимда бу сўзнинг исботини жуда кўп марта кўрдим. Бир-икки мисолни келтириб ўтсам.

Раҳматли аммам доимо қизларини намоз ўқишга ундарди. Опам бўлса, “Душанбадан (эртанинг бир кўриниши) бошлайман”, дея бу хайрли амални ортга сурди. Шу тахлит орадан 2-3 йил ўтди. Ҳали душанба “келиб улгурмай”, аммам оламдан ўтди. Кўркувим ўтган 18 йил ичида “душанба келдимикин”?!

“Эртага деган йўлга кирсанг...” деган жумлани эшитган куним, бир бошдан ўз ҳаётимни тафтиш қилиб кўрдим. Аллоҳ ҳаққи, мен бу йўлнинг энг содиқ йўлчиси эканман:

– Эртадан спорт билан шуғулланишни бошлайман...

– Қўлимдаги китобни яқунлагач, ҳар куни 1 порада Қуръон ўқишни одат қиламан...

– Эртадан ҳар куни 20 бет китоб ўқишни йўлга қўяман...

– Эртадан ... эртадан... эртадан...

Афсус, бу эртадан дарак йўқ. Менинг эса умрим ўтиб бормоқда. Қанчадан-қанча хайрли ишлар ортга сурилди...

Ҳаммамизнинг ҳаётимиз шу тахлит давом этапти. Эрталарни кутиб...

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Дунё уч кундир: кеча, бугун, эртага. Кеча ўтиб кетди.

Эртанинг келиш-келмаслиги аниқ эмас. Шундай экан, бугуннинг қийматини билишимиз лозим!” (Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ) Яъни, ўтиб кетган кун ҳақида ўйлаш, ўтган ишлар учун сиқилиб ўтириш ўрнига улардан хулоса чиқариш, эртага нима бўлади, деган ўй, “битта уй олай”, “автомобил сотиб олай, кейин болаларимнинг болагини ҳис эттираман...” каби орзулар карвони тугашини кутиб, умрнинг ўтиб кетганини сезмай қолиш мумкин.

Айтмоқчи бўлганимиз, кун – бугундир!

Ибодат қилмоқчимисан, бугун қил!

Хайр-эхсон қилмоқчимисан, бугун қил!

Спорт билан шуғулланмоқчимисан, бугун бошла!

Китоб ўқимоқчимисан, бугундан кечикмасин!

Чунки бугун – нақд!

Нигора АБДУМУХТОР қизи



Меҳр-муҳаббатли бўлиш вожибдир

Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, то иймон келтирмагунингизча жаннатга кира олмайсиз. То ўзаро меҳр-муҳаббатли бўлмагунингизча иймон келтира олмайсиз”** (Имом Ибн Можа ривояти), дея марҳамат қилганлар. Демак, киши мўмин бўлиши учун бир-бирини яхши кўриши, ўзаро меҳр-муҳаббат кўрсатиши лозим экан. Ана шунда у кўп яхшиликларга эришади, ҳатто жаннатга киришга муяссар бўлади.

Афсус, бугун айрим кимсалар бегоналар тугул ўз яқинларига ҳам меҳрсиздир. Уларнинг ташвишлари ва мушкулотларига кўз юмадилар. Аммо даврларда меҳр-оқибат ҳақида лоф уришади.

Халқимизда “Меҳр кўрсатсанг — меҳр топасан” деган нақл бор. Шунинг учун киши нафақат яқинларига, балки ҳаммага қўлидан келганича яхшиликлар қилиши, мурувват кўрсатиши ва дўст бўлиши лозим. Аммо қилган яхшиликларини сир тутиб, зинҳор миннат қилмасликлари яна бир эзгу фазилат ҳисобланади.

Муқаддас динимиз кишиларни бир-бирлари билан аҳилиноқ, дўст бўлишга, меҳр-муҳаббат, хайр-саховат кўрсатиб яшашга тарғиб этади. Бу ҳақда Қуръони каримда бундай

дейилади: **“Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар, (одамларни) яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтардилар”** (Тавба сураси, 71-оят).

Албатта, атрофимизда амалидан, гап-сўзлари ва насиҳатларидан ибрат олишимиз лозим бўлган кишилар оз эмас. Яқинда туманимизда бир отахон Сангардак йўлига туташ нишабликни текислаб чайла тикаётганига гувоҳ бўлдим. У бошпана устига уюм-уюм қамишни ёяр, шамол учуриб кетмасин, деб тикиб чиқарди. “Хорманг — бор бўлинг” қилгани олди-га чиқиб бордим. “Невараларингизни ёрдамга чақирмабсиз-да, бобо?” десам, “Неваралар иш билан банд. Ўзимни эса уйда ётгим келмади. Ўтган куни уловда ўтаётсам, шу ерда икки одам ёмғирда дилдираб турибди. Уларга раҳмим келиб кетди. Бугун куннинг очиклигидан фойдаланиб эшакка ходаларни ортиб келавардим. Шояд йўлда қолганларга асқатса”.

Ич-ичимдан уялиб кетдим. Зотан, мен бу кўчадан ҳар куни қатнасам-да, мазкур ҳолатга эътибор қилмаган эканман..

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **«Аллоҳ таоло айтади: “Менинг йўлимда яхши кўришганларга**

муҳаббатим ҳақдир. Менинг йўлимда ўзаро алоқаларини сақлаганларга муҳаббатим ҳақдир, менинг йўлимда бир-бирларини зиёрат қиладиганларга муҳаббатим ҳақдир, менинг йўлимда ўзаро саховат қиладиганларга муҳаббатим ҳақдир”».

Демак, мўмин киши ўзгаларга меҳр-муҳаббат, мурувват улашиши вожибдир. Бундай амалларни қанда қилмайдиган одамларни Аллоҳ таоло ҳам яхши кўради, ишини ўнглайди.


Бир сўз билан айтганда, одамларга кўмак кўрсатиш, оғирини енгил қилиш, аини қийналиб турган пайтда далда бўлиш чин инсонийликдан далолат беради. Аллоҳ таоло барчамизни ана шундай амалларда собитқадам айлсин.



Шосайд ҚУРБОНОВ,
Сариосиё туманидаги “Мулло
Абдулкарим Охун” жоме масжиди
имом-хатиби

Мўзтабар манбалар

“Таъвилот”нинг нодир нашри нусхаси



Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳининг “Таъвилоту аҳлис-сунна” китобининг “ал-Мактаба аз-зоҳирия” нусхаси Дамашқдаги “ал-Ассад ал-ватанийя” кутубхонасида 495-рақам остида сақланади. Ушбу нодир манбанинг 3005-рақамли микрофильми ҳам мавжуд. Нусха усмонийлар ҳукмронлигининг

охирги даврларига тегишли бадий услуб билан безатилган ғилофга эга. Унинг варақлари сони 660 тадан иборат. Варақлар узунлиги 31,5 сантиметр, эни 25,5 сантиметрни ташкил этади. Матни эса зарҳал рангли жадвал ичига олинган. Ҳар бир саҳифада 45 тадан қатор бор. Ҳар қаторда тахминан 25 та сўз келади. Хаттот нусха битишда қизил ва қора рангли сиёҳдан кенг фойдаланган.

Шунингдек, “Таъвилоту аҳлис-сунна”нинг Қоҳира нусхаси ҳам мавжуд. Бу асар Мисрнинг “Дор ал-кутуб ал-Мисрийя” кутубхонасида 6-рақам остида сақланади. Китоб бир мужалладдан иборат ва варақлари сони 656 тани ташкил этади. Ҳар бир саҳифада 45 қатор, ҳар бир сатрда эса тахминан 25 тадан сўз ўрин олган. Асар

ҳижрий 1165 йил Мустафо ибн Муҳаммад ибн Аҳмад муаллифлигидаги нусхадан кўчирилган. Хаттот нусха битишда қизил ва қора рангли сиёҳдан кенг фойдаланган.

Ливанлик олима Фотима Юсуф юқоридаги икки нусхадан фойдаланган ҳолда “Таъвилоту аҳлис-сунна” китобини тўла ҳолатда таҳқиқ ва тадқиқ этган. Ушбу тадқиқот 5 жилддан иборат бўлиб, 2004 йилда Байрутда “Risola noshirun” нашриётида нашр этилган. Унинг ҳар жилди тахминан 600 бетдан иборат. Бугунги кунда ушбу асар Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинаси бўлимида 797-рақам остида сақланади.

Адҳамбек ЯНГИБОЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Манбалар хазинаси бўлими кичик илмий
ҳодими.

Масала

3-бетда

САВОЛ: Вафот этган инсоннинг тишлари тилладан бўлса, дафндан олдин уларни чиқариб олиш жоизми?

ЖАВОБ: Агар вафот топган инсоннинг тишлари тилла ва унга ўхшаш қимматбаҳо нарсадан ясалган бўлса, майитнинг ясама тилла тишларини олишда бошқа тишларига зарар етадиган бўлса, улар олинмайди. Вақт ўтгач қабри очилиб олинади. Уламолар шундай дейишган.

САВОЛ: Эшитишимизча, Жидда мийқот ичида жойлашган экан. Юртимиздан бораётган аксар зиёратчилар Жидда аэропортига қўниб, Мадинага кетишади. Шу ҳолатда Жиддага эҳромсиз киргани учун жиноят қилган бўлмайдими?

ЖАВОБ: Ҳақиқатда Жидда шаҳри мийқот ичида жойлашган. Маккага бораётган киши нима мақсадда бораётган бўлса ҳам мийқотдан эҳром билан ўтиши вожиб саналади.

Агар кимдир, Жиддага қўниб, тўғри Маккага борса, Жиддага етиб бормай, мийқотга ўтганда эҳромга кириши вожиб бўлади. Агар эҳромсиз кирса, гуноҳкор бўлади ва зиммасига жонлиқ сўйиш лозим бўлади. Лекин қайтиб мийқотга бориб, эҳром боғлаб қайта кирса, жонлиқ зиммасидан соқит бўлади.

Агар кимдир Жиддага қўниб, Маккаи Мукаррамага кирмай Мадинаи мунавварага борса гуноҳкор бўлмайди. У Мадинадан Маккага мийқотда келаётганда мийқотда эҳромга киради. Фикҳий китобларимизда бундай дейилган: “Маккага, яъни ҳарам ҳудудига ҳаж (ёки умра)ни ният қилмай, ҳам киришни мақсад қилган кишининг мийқотдан эҳромсиз ўтиши ҳаром ҳисобланади. Лекин Жидда ва Хуллайс каби ҳилл (мийқот билан ҳарамнинг орасидаги ерлар)даги бирор жойни қасд қилган бўлса, мийқотдан эҳромсиз ўтиши жоиздир” (“Раддул муҳтор”).

САВОЛ: Биламизки, аёл киши бировнинг гўдагини эмизса, шу бола унинг сўт фарзандига айланади. Мазкур аёл вафот этса, шу бола ҳам мерос оладими?

7-бетда



Тўрт яхши ишдан бири



Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай деганлар: **“Никоҳ менинг суннатимдир, ким суннатимдан воз кечса, у мендан эмас** (яъни умматим эмас)” (Имом Ибн Можа ривояти). Мусулмон киши никоҳ билан зийнатланиши керак. Айнан никоҳ туфайли насл-насабини пок сақлайди, иффатини асрайди, турли ҳаром ишлардан тийилади. Шу боис динимизда эркак ва аёл оила қуришга бирдек тарғиб қилинади.

Бошқа бир ҳадисда: **“Тўртта яхши иш бор, улар пайғамбарлар суннатидир: ҳаё, хушбўйлик, мисвок тутуш ва уйланишдир”**, дея марҳамат қилинади (Имом Термизий ривояти).

Албатта, никоҳ — нозик масала. Унга мулоҳазакорлик ва босиқлик билан ёндашиш зарур. Шунда оила мустаҳкам бўлади, унинг бағрида соғлом фарзандлар камол топади.

Афсуски, сўнгги пайтларда никоҳга, оилага енгил-елпи

қараётганлар ҳам йўқ эмас. Улар гулдай оилани арзимаган сабаблар билан барбод қилишяпти. Ахир оила — муқаддас даргоҳ, уни асраб-авайлаш нафақат эр-хотиннинг, балки уларнинг яқинларининг ҳам вазифаси бўлмоғи лозим.

Дарвоқе, бизнинг “Катта Қозиработ” маҳалламизда 11 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти ёшлар. Маҳалла фаоллари, хотин-қизлар бўйича маслаҳатчилар ҳамда фахрийлар билан биргаликда навқирон ўғил-қизлар билан тез-тез мулоқотлар уюштириб турамиз. Илм-фан, касб-хунар эгаллаш, никоҳланиш фазилати, оилани мустаҳкам сақлаш, келин-қайнона муносабатлари, куда-андачилик мавзуларида манфаатли маъвизалар қиламиз. Шу боисдан бўлса керак, ҳудудимизда ажримлар сони кам. Агар бундай ҳолат учраб қолса,

дарҳол эру хотинни ҳамда куда-ларни чақириб масалага ижобий ечим топамиз.

Бундан ташқари, хуфтон намозларидан сўнг, жума мавъизаларида никоҳланишнинг афзалликлари хусусида суҳбатларни қанда қилмаймиз. Зотан, намозхонлар ҳам айна шундай мавзуларда чиқишлар қилишимизни сўрашади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади: **“Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун ўғиллар ва набиралар пайдо қилди”** (Наҳл сураси, 72-оят). Никоҳ асосида оила қуриш Яратганнинг розилигини топиш билан баробар. Унинг тинчлиги ва осудалигига раҳна солиш эса улкан гуноҳдир.

Баъзи одамлар ўзганинг тинч-тотув турмушига зиён етказиш пайида бўладилар. Бундай қилиш яхшимас. Кун келиб бу

ёмонлиги ўзига қайтиши мумкин. Шу боис хотин-қизлар билан учрашувларда шу масалани тушунтиришга эътибор бермоқдамиз.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан яна бундай ҳадис бор: **“Ким уйланган бўлса, динининг ярмини мукамал қилибди, қолган ярмида Аллоҳга тақво қилсин”** (Имом Табароний, Имом Байҳақий, Имом Ҳоким ривояти). Шунинг учун ҳам динимизда никоҳ юксак қадрланади.

Ўсиб-улғайиб келаётган ёшларимиз миллий ва диний қадриятларимиз руҳида тарбия топишса, улар никоҳ, оила ва яна бошқа кўплаб яхшиликларнинг қадрига етади. Демак, фарзандлар тарбиясига доимо масъулият билан ёндашишимиз зарур.

Ҳасанбой ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳридаги “Катта Қозиработ” жоме масжиди имом ноиб.

Убудият

Энг бахтли одамлар

Иймон-этиқодда собит бўлган мўмин-мусулмонларнинг ҳаммаси бахтлидир. Зотан, бизнинг бахтиёрлигимиз ояти карима ва ҳадиси шарифда очиқ-ойдин баён қилинган.

«Эсланг, (эй Муҳаммад!) Раббингиз фаришталарга: “Мен Ерда халифа (Одам) яратмоқчиман”, деганида (улар) айтдилар: “Унда (Ерда) бузғунчилик қиладиган, (ноҳақ равишда) қонлар тўкадиган кимсани яратмоқчимисан? Ҳолбуки, биз Сенга ҳамдинг билан тасбеҳлар айтамыз ва Сени муқаддас деб биламиз”. (Аллоҳ) айтди: “Албатта, Мен сизлар билмаган нарсаларни билурман”.

(Аллоҳ) **Одамга барча** (яратилган ва яратилажак нарсаларга тегишли) **номларни ўргатди. Сўнг-ра уларни фаришталарга** (бирма-бир) **кўрсатиб деди: “Агар (этирозингизда) ростгўй бўлсангиз, ана у нарсаларни номлари билан Менга айтиб берингиз!”**» (Бақара сураси, 30–31-оятлар).

Мазкур ояти каримада Раббимиз фаришталарга Одам алайҳиссаломнинг илмини уларникидан баланд қилиб яратганини айтмоқда. Биз Одам Ато авлодларимиз. Аллоҳ таоло бизни шундай фитратда яратдики, биз ўз саъй-ҳаракатимиз билан мақомимизни фаришталарникидан юксалтириб олишимиз мумкин.

Шундай экан, бу ёруғ оламда биздан ҳам бахтлироқ яна ким бўлиши мумкин?!



Энди қуйидаги ҳадиси шарифга эътибор қилинг: «Кунларнинг бирида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам йиғладилар. Бунинг кўрган саҳобалар: “Ё Расулуллоҳ! Сизни нима йиғлатди?” деб сўрадилар. У зот: **“Биродарларимни соғиндим!”** деб жавоб бердилар. Саҳобалар: “Бизлар биродарларингиз эмасмизми, ё Расулуллоҳ?” дейишди. Шунда у зот алайҳиссалом: **“Йўқ! Сизлар асҳобларимсиз. Биродарларим мендан кейин келадилар, мени кўрмасдан туриб менга иймон келтирадилар!”** дедилар».

Парвардигоримиз бизни Ўзининг севиқли расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга уммат қилиб яратди. Аммо у зот боқий дунёга кўчганларидан бир минг тўрт юз йил ўтганидан сўнг дунёга келишимиз тақдир қилинди.

Раббимиз Расули акрамни

ўзимиздан ҳам яхши кўришимизни билар эди. Зотан, қалбимизга ана шу муҳаббатни Унинг Ўзи жойлаб қўйган. Шу боис Раҳмонлик сифати ила Пайғамбар алайҳиссаломнинг қалбларига илҳом солди ва у зот ўз тиллари би-

лан: **“Биродарларим мендан кейин келадилар, мени кўрмасдан туриб менга иймон келтирадилар”**, дея бизни соғинганларини айтдилар. Бунинг ҳикмати — бизнинг кўнглимиз таскин топмоғи учундир.

Ана, энди айтинг-чи, икки олам Сарвари соғинган киши энг бахтли одам бўлмаслиги мумкинми?! Аммо, азизлар, Пайғамбар алайҳиссалом бизни таниб олишлари учун у зотга кўпдан-кўп савотлар айтмоғимиз зарур бўларкан. Негаки, биз ҳар сафар савот айтганимизда Пайғамбар алайҳиссалом саломимизга алик олар эканлар. Айни мавзудаги ҳадис жуда ҳам машҳур бўлгани учун маъносини келтириш кифоя.

Ояти каримада Аллоҳ таоло: **«Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Набийга савот айтурлар. Эй иймон келтирганлар! (Сиз ҳам) унга савот айтинг ва**

салом йўлланг», деб марҳамат қилган (Аҳзоб сураси, 56-оят).

Демак, биз Пайғамбар алайҳиссаломга савот айтганимизда Аллоҳ таолога ва Унинг фаришталарига жўровозлик қилган бўлар эканмиз. Аллоҳнинг савоти, албатта, етиб боради ва унга қўшилиб биз бандаларники ҳам.

Абу Талҳа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда қуйидагича келган: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юзларидан қувонч балқиган ҳолда келдилар. Биз: “Юзингизда қувонч кўрмоқдамиз?!” дедик. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Чунки ҳузуримга фаришта келиб: “Эй Муҳаммад, албатта, Раббинг айтур: “Ким сенга савот айтса, албатта, Мен унга ўн марта савот айтаман. Бу сени рози қилмайди-ми?” деди”**» (Имом Насоий ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган).

Бахтимизнинг яна бир нишонини қарангки, биз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга савот айтсак, Раббимиз бизга савот айтар экан, Парвардигори салом айтиб турган банда бахтидан зиёдаси бўлиши мумкинми?! Шундай экан, ўтаётган кунимиздан унумли фойдаланиб қолайлик, қўлимиз ишдаю тилимиз зикрда, савотда бўлсин!

Бинафша ЖЎРАҚУЛОВА,
ЎзДЖТУ талабаси



Дуонинг кучи

Бир неча йил муқаддам хорижда таҳсил олаётган ўғлим тўсатдан қамалиб қолди. Ёмон аҳволга тушдим.

Кўнглим сезгандек бир кун телефонимни ёқиб қарасам, укам менга ўттиз марталаб қўнғироқ қилибди. Баттар ақлим шошди. Укамнинг рақамини тердим. Нариги томондан унинг йиғламсираган овози эшитилди:

— Ака, дадам инсульт бўлди. Ҳозир “кома”да. Дўхтирлар: “Икки кунлик умри қолган”, дейишяпти, — деди.

Қишлоққа ўқдай учдим. Тўрт соатда дадамнинг ёнида бўлдим. Қариндош-уруғлар жам бўлишган. Дадамнинг ёнига чўк тушдим. Бошини тиззамга қўйиб, пешонасини силай бошладим. Қон босими тушиб кетган. Танасининг ярми фалажланиб қолган. Нафас олиши ҳам билинар-билинмас. “Дадажон, кўзингизни очинг, мен келдим! Эшит-япсизми?”, деб йиғлаб юбордим. Кўзёшларим дадамнинг юзларига томди. 5-10 дақиқа ўтар-ўтмас дадам кўзларини очиб, менга тикилди. Тили яхши айланмаса-да, бор кучини йиғиб: “Ўғлингнинг иши нима бўлди? Пул керак бўлса, ҳовлимизни сот”, деди. “Дада, ҳаммаси яхши. Неварангиз озодликка чиқди. Эртага, албатта, ёнингизга келади”, деб таскин бердим. Дадам ҳорғин нафас олганча кўзларини юмди ва паст овозда: “Болам, ўзингни эҳтиёт қил”, деди...

Аллоҳ дуоларимни қабул қилди.

Кўп ўтмай ўғлим қамоқдан озод қилинди. Отам ҳам оёққа тура бошлади. Ўзи юрадиган бўлгач, Тошкентга даволаниш учун олиб келдим. Уйда бор-йўғи 500 минг сўм пулим бор. Ўша пайтда бу маблағ 100 АҚШ доллари қийматига тенг эди. Дадамни шифокорлар кўригидан ўтказдик. Текширув ва дори-дармонлар харажати 480 минг сўм кетди. Чўнтагимда 20 минг сўмдан сал кўпроқ пул қолди. Шифохонадан чиққач, дадам кўлини дуога очди: “Топганинг олтин бўлсин, менга сарфлаганларингни Аллоҳ ортиғи билан қайтарсин, сен ҳам фарзандларинг ардоғида бўл!”

— Дада, тушлик вақти бўлиб қолибди, қаерга олиб бораёй, нима овқат ейсиз? — дея сўрадим.

— Бугун жума, Минордаги “Оқ масжид”га бораёй. Жума намозини ўша ерда ўқимоқчиман, — деди.

Такси тўхтатдим. Йўл ҳақини 15 минг сўмга келишдик. Таксига тўласам, чўнтагимда арзимаган пул қолади. Йўлда кетарканмиз, чора излаб бошим қотарди.

Машинадан тушишимиз билан азон айтила бошлади. Дадам масжидга ошиқди. Ортидан эргашдим. Йўлакдан кетарканман, кимдир ортидан туртгандай бўлди. Қарасам — узоқ вақтдан буён кўришмаган қадрдоним. Бир-биримизни бағримизга босгач, ҳол-аҳвол сўрашганча масжид томон бирга кета

бошладик. У бошимга тушган ташвишлар ҳақида эшитган ва менга кўмак беришни дилига тугиб юрган экан. “Қара, хайрли ишни бажариш муборак кунга тўғри келибди-я. Кам бўлса ҳам мана буни олиб қўй”, деб қўлимга юз долларлик пул тутқазди. “Шарт эмас эди”, деб қаршилиқ қилган бўлдим. “Йўқ, дўстим, ўз вақтида сен ҳам мендан ёрдамнинг аямагансан, бу ўндан бири ҳам эмас”, деб хижолатимни босди. Ғалати аҳволга тушдим. “Аллоҳ отамга сарфлаганимни ярим соатда қайтариб берди-я” деган фикр хаёлимга келди.

Масжиддан чиқарканмиз, дадамнинг кайфияти кўтаринкилигига гувоҳ бўлдим.

— Хўш, дада, қаерга бораёй? — дедим.

— Яхши лағмон қиладиган жойга бошла. Бир роҳатланиб тушлик қилайлик. Пулидан ғам ема, ўзим тўлайман, — дея менга кўз қисганча қувноқ овозда жавоб берди.

— Йўғ-е, мен турганда нега сиз тўларкансиз. Ахир шу пайтгача сиз тўлаб бўлгансиз, энди тўлаш фақат биздан, — дедим. “Ҳозир мен сиздан бойман. Чунки менинг дадам бор — сиз борсиз. Бундан ортиқ бойлик бўладими?” дея ичимда ўйлардим.

Отабек ҚАМБАРОВ,
Самарқанд вилояти

Масала

5-бетда

ЖАВОБ: Йўқ. Икки ёшдан ошмаган гўдак бирор аёлни эмса, у аёл уни эмган болага сут она бўлади. Унга маҳрам бўлади. Эри ота ҳукмида бўлади. Аммо унга сут берган она ёки унинг эри вафот этса, аёлни эмган бола улардан мерос олмайди.

САВОЛ: Маълумки, бир аёл ўзга болани эмизса, аёлнинг эри у боланинг отаси ҳукмида бўлади. Шу ота унинг хотинини эмган боланинг ҳақиқий онасига маҳрам бўладими?

ЖАВОБ: Йўқ. Фақат унга сут берган аёл ва унинг эри ва уларнинг фарзандлари унга маҳрам бўлади. Лекин боланинг ҳақиқий онасига, туғишган опа-сингилларига уни эмизган аёлнинг эри маҳрам бўлмайди (“Мухтасар фил фикҳил ҳанафий”).

САВОЛ: Қабр зиёратига борганда қабр устидаги тупроқларни юмшатиб, сув сепса бўладими?

ЖАВОБ: Бизнинг мазҳабимизда янги қабр устидаги тупроқлар ёйилиб кетмаслиги учун унга сув сепишнинг зарари йўқ дейилган. Аммо Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ янги қабр устига сув сепиш, уни суваш ўрнига ўтади, шунинг учун макруҳдир, деганлар (“Табийин ҳақиқ”).

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази. Тел. 78-150-33-44

Молик ибн Динорнинг тавбаси

Молик ибн Динор солиҳларнинг улуғларидан бўлган. Орадан вақтлар ўтиб, ўзининг тавбага кириш сабабини айтиб беради:

— Бир куни бозорда одамларни назорат қилиб, ўз ишим билан шуғулланаётган эдим. Узоқдан икки кишининг тортишаётганини кўриб қолдим. Уларнинг бири қаҳри қаттиқ, кучли эди. Иккинчиси кучсиз бўлиб, қўлида матоси бор эди. Мен англадимки, анави кучли одам кучсиз одамга ғолиб келиб, унинг матосини тортиб

олмоқда. Уларга яқинроқ бордим. Ожиз кишининг:

— Сен билан қиёмат куни Аллоҳ ҳисоблашади. Мен бозорга Расулulloҳнинг: **“Кимки бозорга бориб, мато сотиб олса ва уйига келиб нарсаларидан биринчи қизларига берса, Аллоҳ таоло қиёмат куни уни неъматлантирсин”**, деган сўзларига таяниб чиққан эдим. Сен эса қизларимнинг қувончини саробга айлантирдинг. Бунинг учун Аллоҳ сени қиёмат куни сўроққа тутди, — деяётганини эшитдим. Кўнглимда

унга нисбатан қаттиқ меҳр-шафқат пайдо бўлди. Ўзимга ўзим: “Агар бу кучсиз одамга ёрдам бериб, нариги кучлисини инсофга қақирсам, эҳтимол Аллоҳ гуноҳларимни кечириб, мағфират қилса” деб, ҳалиги қаҳри қаттиқ кишини сўқиб, ундан матонини тортиб олдим ва ҳалиги ожиз кишига бердим. Унинг юзига қувонч югурди. Бундан ўзим ҳам бахтиёр бўлдим ва уни олдимга қақирдим.

— Сенга бир аҳдим бор. Уни сендан Аллоҳ таоло ҳам сўрайди. Уйингга олиб борган нарсангдан

қизларинг қувонганини кўрганнингда, улардан менинг ҳаққимга дуо қилишларини сўра, — дедим.

Молик ибн Динор гуноҳларни кўп қилувчи, осий банда эди. Лекин нафсининг хатолари зоҳирида бўлиб, қалби Аллоҳнинг марҳамати ва афв қилишига йўналганди. Аллоҳ таоло унинг тавбасини қабул қилди. Натижада ичкиликка муккасидан кетган Молик ибн Динор минглаб дарсликлар ёзди, муқарраб авлиёлардан бирига айланди.

Шайх Муҳаммад Саид Рамазон БУТИЙ

Имло саводхонлиги

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида катталик бирликларини қўллаш тўғрисида”ги қарори бор. Унда аниқ ёзиб қўйилган:

• “Бирлик белгиларида қисқартириш белгиси сифатида нуқта қўйилмайди”.

Шунга кўра, уларнинг қисқартмаларини нуқтасиз ёзганимиз тўғри бўлади:

- миллиметр — мм (mm)
- сантиметр — см (cm)
- дециметр — дм (dm)

Нуқта қўйилмайдими?

- метр — м (m)
- километр — км (km)
- грамм — г (g)
- килограмм кг (kg)
- миллиметр — мл (ml)
- литр — л (l)

Мисол учун:

Вазни 60 кг бўлганлар орасидаги мусобақа давом этади.

Аммо муайян қисми қирқилган қисқартмалардан ташқари, аббревиатуралар ва орада унли (ва баъзи

бошқа) ҳарфлари тушириб қолдирилган қисқартмалар ҳам бўлади:

- миллион — млн
- миллиард — млрд
- триллион — трлн каби

Амалиётда бундай қисқартмалардан кейин нуқта қўйилмайди. Мисол учун:

- Бу йили даромад 14 млрд сўмни ташкил қилди.
- ...Корхона бир йилда 2,3 трлн сўм соф фойда кўрди.

Мантиқан қаралса, нуқтанинг вазифаси қисқартманинг тушириб қолдирилган сўнгги қисми борлигини билдиришдир. Соддароқ айтсак, нуқтанинг ўрнида бирор нарсаси бор дегани. Биздаги млн, млрд қисқартмаларида эса сўнгги ҳарф сақланиб қолган, шу боис улардан кейин нуқта қўйиш хато бўлади, чунки нуқтадан кейин яна бир тушиб қолган қисм бор дегандек бўлиб қолади.

“Тўғри ёзамиз — мутахассис блог”
каналдан олинди.

“Нурул Эшон” жомеси

Вьетнамнинг Донгнай провинциясидаги Суанлок округида асосан чам этник гуруҳи истиқомат қилади. 2006 йил мазкур ҳудуд аҳолисининг диний-маданий талабини қондириш мақсадида масжид барпо этилди. “Нурул Эшон” номи қўйилган ушбу жоме катталиги жиҳатидан Вьетнамда Анзянга масжидидан кейин иккинчи ўринда туради.

Масжид хонақоҳининг майдони 700 квадрат метр атрофида, у ерда кунлик ибодатлар адо этилади ҳамда диний тадбирлар ўтказилади. Масжид Малайзия ва Саудия Арабистони каби ислом мамлакатларига хос меъморий услубда тўртбурчак кўринишда қурилган ҳамда асосан оқ ва фиروزа рангдан фойдаланилган.

Иншоотнинг ҳар бир бурчагида, томнинг марказий қисмида тўнкарилган пиёлага ўхшаган думалоқ миноралар жойлашган. Миноралар тепасида ярим ой рамзи бор.

Шунинг билан бирга, масжид-



нинг гумбазли меъморчилиги қараган кишига хотиржамлик бағишловчи чизгиларни ҳосил қилган.

Масжид даҳлизлари кенг ва салқин, бинонинг ичкараси одмигина.

Жоме эртаю кеч гавжум. Жума намозида эса одам ниҳоятда кўп бўлади. Имом-домла маъруза қилаётган чоғ ора-орада масжид ходимлари намозхонларга бошқаларга ноқулайлик туғдирмасликни, ибодат вақтида бир-бирларига ҳалал бермасликни,

машиналарини йўл четида қолдириб, йўлларда тирбандлик ҳосил қилмасликни айтиб огоҳлантириб турдилар.

Бугунги кунда масжид нафақат Исломга эътиқод қилувчи чамларнинг диний ва маданий тадбирлари ўтказиладиган жой, балки ушбу халқнинг дини ва маданиятига қизиқувчи сайёҳларни жалб этадиган маданий ва сайёҳлик маркази вазифасини ҳам бажармоқда.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.

Тиббиёт бурчаги

Олма – кони фойда

Бу мева қон таркибидаги холестерин миқдорини камайтиради. Кунига икки дона олма истеъмол қилган кишининг қонида зарарли холестерин миқдори ўртача тўққиз фоизга камаяди.

Қолаверса, қанд хасталигининг олдини олади, саратон хасталиклари қарши курашади.

Олмани эрталаб истеъмол қилиш эса кун бўйи кайфиятнинг кўтарилишига ёрдам беради.

Илиқ сув аралаштирилган асал

Шамоллаган киши асални илиқ сувда эритиб ичса, дарддан тезда фориг бўлади. Ушбу дармон дори, аввало, балғамни кетказди, гижжалардан халос этади.



Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳам совуқ сув аралаштирилган асалдан кўп истеъмол қилганлар.

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам табобати” китобидан.

Ўт пуфагидаги тошни тушириш

Наъматак илдизи ўт пуфагидаги тошни туширишга ёрдам беради. Бунинг учун наъматак ўсимлиги илдизи ювилади, қуритилади ва янчилади. Сўнг бир ош қошиқ илдиз кукунига 200 мл қайноқ сув солиниб, 15 дақиқа қайнатилади. Қайнатма кун давомида ичилади.



Айроннинг фойдали хусусиятлари

Айрон – ажойиб чанқовбосди ичимлик. Уни жазирамада ичиш иссиқуришининг олдини олади. Шунингдек, иссиқлик туфайли организмда йўқотилган суюқлик, минерал ва витаминлар ўрнини

қоплашга кўмаклашади.

Ушбу ичимлик овқат ҳазм қилиш тизимини, ичаклар микрофлорасини яхшилади, иммунитетни кўтаради. Айронни хуш кўрувчи инсонларда дисбактериоз камдан-кам учрайди.



Музқаймоқда меъёр муҳим

Музқаймоқ фойдали ҳисобланади. Чунки унинг ёғи кам ва калорияга бой. Музқаймоқ ўзида кальций ва фосфор, калий ва магний ҳамда В гуруҳ витаминларини сақлайди. Бундан ташқари, у серотонин ва дофамин гормонлари ишлаб чиқарилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, ҳафтада 2-3 марта музқаймоқ истеъмол қилиш соғлиқ учун хавфсиздир. Ундан ортиғи эса, зарар қилиши мумкин.



Интернет манбалари асосида тайёрланди.

Назм

Маснавий

Эй Худоё, шафқатинг бирла
қулингни этма кам,
Нури иймонимни ҳамроҳ
айлагил охирда ҳам.

Қудрату изминг биландур
ҳарне ошкор ё ниҳон,
Бу синов дунёси ичра ул
қулингга имтиҳон.

Ҳар нафас, ҳар бир қадам
измингдадир ҳикмат аро,
Етмагай қурби кўнглинг
не эрур ботинда жо.

Сен ўзинг билдирмасанг,
мен билмагайман ҳеч қачон,
Руху аҳволимда не ҳол –
менгамас, сенга аён.

Илтижойим-илтифотинг,
ё илоҳо Раббано,
Айлагил музтар қулингга
ишқ йўлини ошно.

Роҳи ростда айлагувчи,
Холиқо, танҳо Ўзинг,
Этгувчи равшан дилимни,
эй Худо, танҳо сўзинг.

Айлагил маҳмуд Ўзингга
мен қилурмен илтижо,
Раҳматингдан қулни Ул Кун
этмагил ҳаргиз жудо.

Исмоил Маҳмуд МАРҒИЛОНИЙ

Минг бор шукр, Аллоҳим!

Дуодамиз эрта-кеч,
Қўз тегмасин юртга ҳеч.
Бахту иқбол – бизга эш,
Минг бор шукр, Аллоҳим!

Фурсатимиз жуда оз,
Меҳмон қишу баҳор, ёз.
Юртим жаннатга қиёс,
Минг бор шукр, Аллоҳим!

Қолсин яхши номимиз,
Ҳалол бўлсин нонимиз.
Соф қолсин иймонимиз,
Минг бор шукр, Аллоҳим!

Абдусаттор ҒОҒУРОВ,
Бешариқ тумани

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шамол Нури

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHOBOEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Obidjon QODIROV
Muhammadolim MUHAMMADSIDDIQOV
Zayniddin ESHONQULOV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURHONOV
Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHTEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Salohiddin SHERXONOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi: Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIIDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent – 100069, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyat.uz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: To'liq SHERNAYEV
Musahhiha: Zabo OMONOVA
Sahifalovchi: Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi: 11.06.2024
Xulosa (№02-07/3517) olindi: 19.06.2024
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.550
24-3/12-buyurtma.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!